



ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“29” Ноябрь, 2019 й.

И.ИНОМОВ
“1” Рабиус соний, 1441 ҳ.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي قَالَ فِي كِتَابِهِ فَانْتَشَرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ الَّذِي
قَالَ الْحَلَالُ بَيْنَ وَبَيْنَ الْحَرَامِ بَيْنَ وَبَيْنَهُمَا مُشَبَّهَاتٌ ، وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ ، أَمَّا بَعْدُ .

ҲАЛОЛ КАСБ – БАРАКА КАЛИТИ


Муҳтарам жамоат! Динимиз ҳамма соҳада мўътадил бўлишга чақиради. Дунёни деб охиратни, охиратни деб дунёни ташлаб қўймасликка буюради. Шунинг учун мусулмон киши икки дунёни ҳам эътиборга олиб яшайди ва ҳалол касб изидан ўзига ҳамда аҳли-оиласига покиза ризқ излайди.

Ҳалоллик – шариатимизда энг асосий масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар бир мусулмон бажарган солиҳ амалларининг қабул бўлиши, фарзандларининг салоҳияти, оиласининг фаровонлиги айнан луқмасининг ҳалол, касби-корининг шариат кўрсатмаларига мувофиқ бўлишига боғлиқдир. Бу ҳақида Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

طَلَبَ الْحَلَالِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ (رواه الإمام الطبراني عن انس ابن مالك رضي الله عنه)

яъни: “**Ҳалол ризқ излаш – ҳар бир мусулмон учун вожибдир**”, – дейилган (Имом Табароний ривоятлари).

Тирикчилик учун касб-кор қилиш ҳаёт заруратларидан бўлгани сабабли Аллоҳ таоло инсон ҳаёти учун керак бўладиган барча сабабларни тайёрлаб қўйган. Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا لَكُمْ وَسَخَّرَ لَكُمْ الْفُلُوكَ
لِتَجْرِيَ فِي الْبَحْرِ بِأَمْرِهِ وَسَخَّرَ لَكُمْ الْأَنْهَارَ  وَسَخَّرَ لَكُمْ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ دَائِبَيْنِ وَسَخَّرَ لَكُمْ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ (سورة

ابراهيم الاية-33-32)

яъни: “**Аллоҳ осмонлар ва Ерни яратган ва осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у сабабли сизларга ризқ бўладиган меваларни чиқарган зотдир. У (Ўз) амри билан денгизда сузиб юриши учун кемаларни сизларга бўйин сундирди. Яна дарёларни ҳам сизларга бўйин сундирди (32). (У) доимо фаолият кўрсатиб турувчи Қуёш ва Ойни ҳам сизларга бўйсундирди. Яна кеча ва кундузни сизларга бўйсундирди (33)**” (Иброҳим сураси 32-33-оятлари).

Ислом дини ҳалол меҳнат қилиш, касб-кор қилишни улуғлади ва унга ажр-савоблар ваъда қилди. Қуръони каримнинг бир неча ўрнида ҳалол касб қилиш ибодат билан бирга зикр қилинган. Жумладан, намоз ибодатини адо қилгандан кейин тарқалиб, Аллоҳ таолонинг фазли – ҳалол ризқ излаш ҳақида Қуръони каримда шундай дейилади:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ (سورة

الجمعة الآية-10)

яъни: “Бас, қачонки, намоз адо қилинган, ерда тарқалиб, Аллоҳнинг фазли (ризки)дан истайверингиз! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз” (Жумъа сураси 10-оят).

Ҳадиси шарифларда энг яхши касб инсон ўз қўли ва савдо йўли билан қиладиган касб экани айтилади. Ҳадиси шарифлар дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, хунармандлик, саноат ва уларни харидорга етказиш, яъни савдони ўз ичига олади. Бугунги кундаги турли хил хизматлар ҳам мана шу савдонинг ичига киради, чунки хизматлар ҳам пировард натижада сотилади. Рофеъ ибн Ҳадиж разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан энг яхши касб қайси, деб сўрашди. У Зот алайҳиссалом:

عَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ وَكُلُّ بَيْعٍ مَبْرُورٍ

яъни: “Энг яхши касб – киши ўз қўли билан касб қилиши ва ҳар бир яхши савдо”, – деб жавоб бердилар (Имом Аҳмад ривоятлари).

Соғлом, меҳнатга лаёқатли кишининг ўзи ва аҳли аёли учун касб-кор қилиб мол топиши – асосий фарзлардан кейинги фарздир. Лекин касбу кор ҳам фарз экан деб, асосий ибодатларни четга суриб қўйилмайди. Мусулмон киши зиммасидаги оила аҳлини таъминотсиз қолдириб, касб-кор қилишни ташлаши ёки тиланчилик йўлига ўтиши мумкин эмас, балки ҳалол меҳнат қилиши керак. Кишининг касби одамларнинг кўзига ҳар қанча ҳақир кўринмасин, Аллоҳ таолонинг наздида мақбул ва севимлидир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар:

لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ أَحِبْلَهُ ثُمَّ يَأْتِيَ الْجَبَلَ ، فَيَأْتِي بِحِزْمَةٍ مِنْ حَطَبٍ عَلَى ظَهْرِهِ فَيَبِيعُهَا ، فَيَكْفَى اللَّهُ بِهَا وَجْهَهُ ،

خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ ، أَعْطَوْهُ أَوْ مَنَعُوهُ (رواه الامام البخاري عن الزبير بن العوام رضي الله عنه)

яъни: “Бирортангиз арқонини олиб тоққа бориши, у ердан бир боз ўтинни орқалаб келиб, (одамларга) сотиши ва Аллоҳ шу (касб) сабабли уни тиланчиликдан асраши, унинг одамлардан тиланиши улар ё бериб, ё бермасликларидан яхшироқдир” (Имом Бухорий ривоятлари).

Касб-кор масаласида одамлар бир неча қисмга бўлинадилар. Баъзилар биз Аллоҳга таваккал қиламиз деб, касб қилишдан ўзларини четга тортадилар ва ўзгаларга юк бўладилар. Аслида, таваккал қилиш – пайғамбарларнинг ҳоли, касб қилиш эса – уларнинг суннатларидир. Ўтган пайғамбарлар, саҳобалар ва азиз-авлиёларнинг касб-корлари бўлгани маълум ва машҳур. Ҳазрати Умар айттардилар: “Мени бир кишининг кўриниши лол қолдиради. Шунда у ҳақида сўрасам, унинг касби йўқлигини айтишади ва у менинг назаримдан қолади”.

Бир тоифа одамлар касб-кор қилишда нуқсонга йўл қўядилар ва ҳалолми-ҳаромми ажратиб ўтирмайдилар. Ҳаромнинг гуноҳини елкаларига олишлари билан бирга касбларининг барақаси кетади. Энг ёмони ҳаромдан ўсган гўшт кишини дўзахга етаклайди.

Баъзилар ҳалол касб қиладилар, лекин дунё уларни Аллоҳ таолонинг ҳаққини адо қилишдан тўсади ва охиратларини бой берадилар. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الْآخِرَةِ نَزِدْ لَهُ فِي حَرْثِهِ وَمَنْ كَانَ يُرِيدُ حَرْثَ الدُّنْيَا نُؤْتِهِ مِنْهَا وَمَا لَهُ فِي الْآخِرَةِ مِنْ نَصِيبٍ

(سورة الشورى الآية-20)

яъни: “Кимки, охират экинни (савобини) истар экан, Биз унга экини (ҳосили)ни зиёда қилурмиз. Кимки дунё экинни истар экан, Биз унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охиратда насиба (савоб) бўлмас” (Шўро сураси 20-оят).

Охирги тоифа одамлар касбу қор қилишнинг шариатга мос йўлини танлайдилар. Уларнинг мақсади Аллоҳ таолонинг розилиги бўлади. Ўзларининг ҳақларини оладилар ва зиммаларидаги бурчларни адо қиладилар. Ҳалолдан инфоқ-эҳсон қиладилар. Мана шу – шариатимиз биздан талаб қилган касб қилиш йўлидир.

Бугунги кунимизда кўпчилик диндорлик, тақводорликни намоз, рўза, ҳаж билан ўлчайди. Юқоридаги ибодатлар тақвонинг асоси бўлса ҳам, баъзи одамлар назардан қочираётган бир нуқта бор. Бу – банданинг ҳаққидан ҳазар қилмаслик. Жумага чиқади, лекин тош-тарозудан уради, рўзани тутади, аммо шартнома ва ваъдага вафо қилмайди. Закотни беради, бироқ имкон бўлиб қолса, шубҳали ёки сифатсиз (халққа зарарли) маҳсулотларни ҳам сотаверади. Хизматни сифатли бажаришга аҳдлашади, лекин ваъдасини бажармайди. Шунинг учун ҳам Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳга тақво ҳақида бирорта китоб ёзиб беринг дейилганда: “Ана савдо-сотик ҳақида китоб ёзиб қўйибман-ку!”, – деган эканлар. Демак, кишининг тақвоси олди-берди қилаётганда, бандалар олдидаги ўзининг бурчларини ўтаётганда билинади.

Китоб чиқарадиган ва унинг савдоси билан шуғулланадиганлар ичида муаллифлик ҳуқуқини поймол қилиш ҳам бор. Бир киши йиллаб меҳнат қилган нарсани бир неча кунда ўзиники қилиб нашр қилиб чиқарса, топган пули ҳалол бўладими?!

Кейинги пайтларда турли хил халқ эҳтиёжи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фирмалар ичида маҳсулотига машҳурроқ фирманинг эмблема (савдо белги)сини қўйиб сотиш кўпайиб қолди. Масалан, бир фирма янги кир ювиш куқунини кашф қилди, дейлик. Бу ишга кўп маблағ ва вақт сарфлаган. Куқунга керакли моддаларни меъёрида қўшган. Ўзига яраша мижоз ҳам орттирган. Шу пайтда бир қаллоб чиқиб, машҳур фирманинг номидан қалбаки, арзон маҳсулот чиқара бошлайди. Кўпчилик бунинг фарқига бормайди. Энг ёмони қалбаки маҳсулотлар таркибида меъёрдаги моддалар бўлмагани учун улар соғлиқ учун ҳам зарарли бўлади. Мана шундай пул топаётганлар “менинг топганим ҳалол” дея олармикан?!

Кийим бозорига тушган содда кишилар учқир даллоллар қўлига тушади. Натижада уларнинг минг алдови билан кийимларни бозор нархидан икки-уч баробар қимматга сотиб олишади. Оддий матони Миср пахтадан бўлган, деб алдаб, харидорни чув туширишади. Мусулмонларни алдаб топилган пулларни “ҳалол” деб бўлармикан?!

Муаммонинг ечими – Аллоҳ таолонинг ҳаққига риоя қилинган каби, бандаларнинг ҳаққарига ҳам риоя қилиш керак. Баракасиз, кўп ҳаром молдан, кам бўлсада ҳалол-пок баракали мол яхши. Ҳаромдан садақа қилинган кўп маблағ қабул бўлмайди, ҳалол оз бўлса-да қабул бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

"يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ طَيِّبٌ وَلَا يَقْبَلُ إِلَّا طَيِّبًا، وَإِنَّ اللَّهَ أَمَرَ الْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَمَرَ بِهِ الْمُرْسَلِينَ، فَقَالَ: { يَا أَيُّهَا الرَّسُلُ كُلُّوْا

مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَاعْمَلُوا صَالِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ } وَقَالَ: { يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا كُلُّوْا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا رَزَقْنَاكُمْ } قَالَ:

وَذَكَرَ الرَّجُلُ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ أَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَهُ إِلَى السَّمَاءِ يَا رَبِّ يَا رَبِّ وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ، وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ. وَمَلْبَسُهُ

حَرَامٌ وَغَدِيَّيَ بِالْحَرَامِ فَإِنِّي يُسْتَجَابُ لِدَلِّكَ" (رواه الامام الترمذي عن أبي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه)

яъни: “Эй, одамлар! Албатта, Аллоҳ – покдир ва фақат покни қабул қилади. Аллоҳ мўминларга ҳам пайғамбарларга буюрган нарсани буюрди: “(Пайғамбарларимизга шундай дедик:) “Эй, пайғамбарлар! Пок (таом)лардан

тановул қилингиз ва эзгу (иш) қилингиз! Албатта, Мен қилаётган ишларингизни билувчидирман”. (Аллоҳ таоло мўминларга) айтди: “Эй, имон келтирганлар! Сизларга Биз ризқ қилиб берган покиза нарсалардан енглар!” У зот алайҳиссалом бир киши ҳақида айтдилар: у узоқ сафар қилади, сочлари тўзиган, уст-боши чанг, қўлини осмонга чўзиб Эй, Раббим! Эй, Раббим, дейди. Ваҳоланки, егани ҳаром, ичгани ҳаром, кийгани ҳаром. Ҳаром билан озиқланган, қандай қилиб унинг дуоси қабул бўлсин!” (Имом Термизий ривоятлари)

Демак, ҳаром молдан кийиш, ейиш ва ичиш банданинг дуоси ижобат бўлишига тўсиқ бўлади. Дуо эса – ибодатнинг мағзи, мўминнинг қуроли. Шунчалик фазилатлардан маҳрум бўлган кишида ўзи нима қолади?!

Мўмин киши ҳалол касб танлаб, пок йўллар билан мол топиши даркор. Ҳаром ва шубҳали моллардан қочиши керак. Зеро Қиёматда киши қаердан топиб, қаерга сарфлаганини ҳисобини бермагунча, оёқлари ўрнидан жилмайди.

Ҳурматли жамоат! Яна бир муҳим жиҳат шуки, бир нарсани ҳалол ёки ҳаром қилиш Аллоҳ таоло ва Расулининг ҳақларидир. Ҳеч ким ўзича бир нарсани ҳалолга ёки ҳаромга чиқара олмайди. Динимиз мукамал бўлгани сабабли ҳалол ҳам, ҳаром ҳам аниқ бўлган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

الْحَالِلُ بَيْنَ وَالْحَرَامِ بَيْنٌ وَبَيْنَهُمَا مُشَبَّهَاتٌ لَا يَعْلَمُهَا كَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ فَمَنْ اتَّقَى الْمَشَبَّهَاتِ اسْتَبْرَأَ لِدِينِهِ وَعَرْضِهِ... (رواه الامام البخاري عن التَّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ رضي الله عنه)

яъни: “Ҳалол ҳам – аниқ, ҳаром ҳам – аниқ. Уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар буни билмайдилар. Ким шубҳалардан сақланса, дини ва обрўйини пок сақлайди...” (Имом Бухорий ривоятлари).

Шариатимиз қоидаларига кўра, ҳаромни ҳалолга чиқариш мумкин бўлмагани каби, ҳалол нарсаларни ҳаромга чиқариш ҳам мумкин эмас. Қуръони каримда шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَحْرِمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ (سورة المائدة الاية-87)

яъни: “Эй, имон келтирганлар! Сизлар учун Аллоҳ ҳалол қилиб қўйган нарсаларни ҳаромга чиқармангиз ва ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди” (Моид сураси 87-оят).

Баъзи кишилар Қуръон ва ҳадисда ҳукми топилмаган нарсаларни ҳаромга чиқаришга мойил бўладилар. Ваҳоланки, Ҳанафий мазҳабимизда нарсалардаги асли қоида – мубоҳликдир. Яъни, ҳукми номаълум бўлган нарсаларнинг ҳаромлигига далил топилмагунча, унга ҳаром ҳукми берилмайди, балки мубоҳ бўлиб туради.

Ҳозирги кунда кўпинча ижтимоий тармоқларда илмий савияси етарли бўлмаган кишилар масаланинг тафсилотини баён қилмасдан, илмсизларча бир касб ё бир соҳани умуман ҳаромга чиқариш каби иллатлар юзага чиқмоқда. Ваҳоланки, Имом Абу Ҳанифа, Имом Молик ва Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳимлардан “ҳаром” сўзини ишлатишда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганликлари ривоят қилинади. Бу ҳақда Қуръони каримда огоҳлантириб айтилади:

وَلَا تَقُولُوا لِمَا تَصِفُ أَلْسِنَتُكُمُ الْكَذِبَ هَذَا حَلَالٌ وَهَذَا حَرَامٌ لَتَنفَتَرُوا عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ إِنَّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ لَا يُفْلِحُونَ (سورة النحل الاية-116)

яъни: “Аллоҳ номидан ёлғон тўқиб, тилларингизга келган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром» деявермангиз! Чунки Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар сира нажот топмагайлар” (Наҳл сураси 116-оят).

Демак, ҳалол-ҳаром ва шубҳали нарсалар тўғрисида ҳар ким ўзича гапириб, ихтилоф чиқаравермасдан, устоз-олимлардан сўраб аниқлаштиришимиз ва ўрганишимиз лозим бўлади. Шунда динимиз ва обрўмизни пок сақлаган бўламиз.

Муҳтарам жамоат! Мавъизамиз давомида ақидавий масалалардан “**Пайғамбарлар ҳақида қандай эътиқод қилишимиз лозимлиги**” ҳақида суҳбатлашамиз.

Пайғамбарларнинг биринчиси – Одам алайҳиссалом, охиргиси – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Илоҳий пайғамбарларнинг сони жуда ҳам кўп. Ҳадисларда уларнинг адади турлича келган. Уламоларимиз пайғамбарлар адади ҳақида қатъий бир рақам тайин этилмагани яхши, дейдилар. Қуръони каримда исми зикр этилган пайғамбарларнинг сони йигирма бештадир. Булар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф, Айюб, Зулқифл, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаа, Юнус, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳимуссаломдирлар. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَنْ قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَنْ لَمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ وَمَا كَانَ لِرَسُولٍ أَنْ يَأْتِيَ بِآيَةٍ إِلَّا

بِإِذْنِ اللَّهِ ... (سورة غافر الآية-78)

яъни: “Биз Сиздан олдин (кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтмаганимиз ҳам бордир. Бирор пайғамбарга Аллоҳнинг изнисиз бирор мўъжиза келтириш жоиз эмас” (Ғофир сураси 78-оят).

Пайғамбарлик вазифаси нуқтаи назаридан ҳамма пайғамбарлар тенгдирлар, ораларида фарқ йўқдир. Фазилат жиҳатидангина улар бир-бирларидан ажралиб туришади. Бу жиҳатдан Муҳаммад, Иброҳим, Мусо, Исо, Нух алайҳимуссаломлар улул-азм (яъни, шаъни улуғ) пайғамбарлар дейилади. Буларнинг ҳам ичларида энг фазилатлиси Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассаломдирлар. У Зот пайғамбарларнинг энг сўнггиси ҳисобланадилар ва У Зотдан сўнг пайғамбар чикмайди.

Уламолар пайғамбарлар ҳақида тўрт нарсада эътиқод қилишимиз вожиб дейдилар. Улар:

1. Пайғамбарлар бизга Аллоҳ таолодан келтирган ҳар бир хабарда ростгўй эканликларига имон келтиришимиз вожибдир.

2. Аллоҳ томонидан Пайғамбарларга топширган вазифани бекаму-кўст бажарганлари, шариатдан бирор нарсани яширмаганларига имон келтирамиз.

3. Набий ва расуллар пайғамбарликдан аввал ҳам, пайғамбарлик даврида ҳам катта ва кичик гуноҳлардан пок бўлганлар. Буни бошқача қилиб “исмат” ҳам дейилади.

4. Пайғамбарлар Аллоҳ таолонинг шариатини етказишда вазифаларига ўта ҳушёрлик ва зийраклик билан ёндашганлар. Уларда ғафлатда қолиш ва тушунмай қолиш каби нуқсон сифатлар бўлмаганига имон келтирамиз.

Аллоҳ таоло барчамизнинг эътиқодимизни мустаҳкам қилиб, ҳалол касб билан пок ризқ талаб қилишни осон қилсин! Аллоҳ ва Расули ҳалол деганни ҳалол, ҳаром деганни ҳаром деб, амал қилишни насиб айласин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! *Келгуси жума маърузаси “КОНСТИТУЦИЯ – ҲУҚУҚИМИЗ КАФОЛАТИ” мавзусида бўлади.*